

## Oriental Journal of Education



### MODERN TRENDS IN UZBEK-CHINESE RELATIONS

**Fayoza Tokhtamurodovna Bazarova**  
Associate Professor  
Tashkent State University of Economics  
Tashkent, Uzbekistan  
E-mail: [f\\_bazarova@tfi.uz](mailto:f_bazarova@tfi.uz)

#### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Central Asia, Uzbekistan, regional security, “Central Asia – China” summit, “One Belt, One Road”, foreign trade, modernization.

**Received:** 20.04.24  
**Accepted:** 22.04.24  
**Published:** 24.04.24

**Abstract:** The article examines current trends in multifaceted relations between Uzbekistan and the People's Republic of China. The role and importance of China in the development of the Central Asian region is also highlighted. The prospects for the development of political and economic relations between the two countries are revealed.

### ЎЗБЕКИСТОН ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Файёза Тўхтамуродовна Базарова**  
доценти  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Тошкент, Ўзбекистон  
e-mail: [f\\_bazarova@tfi.uz](mailto:f_bazarova@tfi.uz)

#### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё, Ўзбекистон, минтақавий хавфсизлик, “Марказий Осиё – Хитой” саммити, “Бир макон, бир йўл”, ташқи савдо, модернизация.

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги кенг кўламли муносабатларнинг замонавий тенденциялари ўрганилади. Шунингдек, Хитойнинг Марказий Осиё минтақаси ривожигаги ўрни ва аҳамияти ёритилган. Икки мамлакат ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш истиқболлари очиқ берилган.

### СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ УЗБЕКСКО-КИТАЙСКИХ ОТНОШЕНИЙ

**Файёза Тохтамуродовна Базарова.**  
Доцент  
Ташкентский государственный экономический университет  
Ташкент, Узбекистан  
E-mail: [f\\_bazarova@tfi.uz](mailto:f_bazarova@tfi.uz)

---

**О СТАТЬЕ**

---

**Ключевые слова:** Центральная Азия, Узбекистан, региональная безопасность, саммит “Центральная Азия – Китай”, “Один пояс, один путь”, внешняя торговля, модернизация.

**Аннотация:** В статье рассматриваются современные тенденции многоплановых отношений между Узбекистаном и Китайской Народной Республикой. Также освещена роль и значение Китая в развитии Центральноазиатского региона. Раскрыты перспективы развития политических и экономических отношений между двумя странами.

---

**КИРИШ**

Ўзбекистон Хитой муносабатлари кейинги йилларда турли йўналишларда жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Хитой Халқ Республикаси бугунги кунда Ўзбекистоннинг ҳар жабҳада ишончли ҳамкори ҳисобланади. Давлат раҳбарларининг мунтазам учрашувлари мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиб ва мустаҳкамланиб бориши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барқарор юқори суръатни намоиш этиб, ўз тарихидаги энг намунали даврни бошидан кечирмоқда”. Ушбу фикр икки томон муносабатларида эришилган ишончнинг юқори даражасини кўрсатади. Ҳақиқатдан ҳам, Ўзбекистон ва Хитой расмийлари ва оммавий ахборот воситалари томонлар ўртасидаги алоқаларнинг ижобий динамикасини қайд этиб келишмоқда.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Хитой Халқ Республикаси ўзининг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти билан, жаҳоннинг энг қудратли давлатларидан бири мақомига эришди. Хитой Халқ Республикаси халқаро жараёнларнинг масъулиятли иштирокчиси сифатида глобал ривожланиш ва умумбашарий муаммоларни ҳал этиш борасида ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Хитойнинг минтақавий хавфсизлик масалаларида ва халқаро майдондаги салмоқли ва икки мамлакат учун манфаатли ҳатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди ва томонлар ушбу йўналишдаги фаолиятларини мувофиқлаштириб боришга интилади.

Хитой Халқ Республикаси нафақат иқтисодий ривожланиш жараёнларида улкан ютуқларга эришган. Таълим, илм-фан ва инсон ресурсларининг ҳар томонлама тараққиётига ажратилган кўламли инвестициялар, давлат даражасидаги тизимли ёндашув ва эътибор натижасида Хитой жаҳон миқёсида рақобатбардош илмий-технологик ва инновацион тараққиётга эришди. Қисқа фурсатларда мамлакат мутлақо янги қиёфа касб этиб, қашшоқлик, қолоқлик каби салбий оқибатлар бартараф этилди.

Хитой Халқ Республикасининг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси бугунги кунда глобал миқёсда мамлакатларни бунёдкорлик ғояси асосида бирлаштиришга ва юзага келаётган хавфларни биргаликда ечишга қаратилган платформа сифатида танилди. “Бир макон, бир йўл” ташаббусининг айниқса, Марказий Осиё минтақасининг барқарор ривожланишида ва минтақанинг глобал ўзаро боғлиқликнинг муҳим бўғинига айланиб боришида аҳамияти юқори бўлмоқда. Хитой билан стратегик ҳамкорлик натижасида Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон мамлакатлари билан ҳамкорлиги кенгайиб, минтақанинг географик камчиликлари унинг афзалликларига айланиб бормоқда.

2023 йилнинг май ойида Хитойнинг Сиань шаҳрида биринчи марта бўлиб ўтган “Марказий Осиё – Хитой” саммити Ўзбекистон ва шу жумладан, Марказий Осиё минтақаси давлатларининг Хитой давлати билан ривожланиш истиқболларини режалаштиришда катта қадам бўлди. Хусусан, ушбу келишувлар Марказий Осиё давлатларининг Хитой билан саноат ва технологиялар борасида яқин кооперацияга ўтиш, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларининг Хитой билан транспорт, рақамли ва гуманитар ўзаро боғлиқлигини ривожлантириш учун янги истиқболлар очади.

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикалари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик бугунги кунда тизимли ва барқарор асосда шаклланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, икки давлат ўртасидаги мунтазам сиёсий алоқалар Ҳукуматлараро кўмита, Парламентлараро гуруҳ, ташқи сиёсий идоралар раҳбарлари даражасидаги Стратегик мулоқот, фаол гуманитар ва худудлараро алмашинувлар каби расмий ва амалий форматларда йўлга қўйилган.

Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳам бугунги кунда жадал ривожланиб бораётган йўналишлардан ҳисобланади. 2023 йил якунлари бўйича қайд этилган расмий статистика маълумотларига таянадиган бўлсак, Хитой Халқ Республикаси ўтган йил якунига кўра Ўзбекистоннинг энг йирик ташқи савдо ҳамкорига айланган. Хусусан, якунланган йилда икки мамлакат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 13 722 млн. АҚШ долларига етиб, Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг 21,9 фоизини ташкил этган, ваҳоланки ушбу кўрсаткич 2021 йилда 7 452,5 млн. АҚШ долларини ташкил қилган эди ва Хитой Халқ Республикаси икки мамлакат ўртасидаги ташқи савдо айланмаси кўрсаткичи бўйича Ўзбекистоннинг Россия Федерациясидан кейинги иккинчи йирик ҳамкори эди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги эришилган йирик савдо-иқтисодий алоқалар бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётини кенг кўламли модернизация қилишда самарали хизмат қилмоқда. Жумладан, муқобил энергетика, кимё, машинасозлик, металлургия, электротехника соҳалари учун Хитойда ишлаб чиқарилган мураккаб тенологик ускуналар ва Хитой инвестицияларининг аҳамияти бекиёс бўлмоқда. Кейинги йилларда “яшил” энергетика,

автомобилсозлик, алоқа ва телекоммуникация, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш йўналишларида Хитойлик шериклар билан йирик лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда янгича ёндашувлар ҳам қўлланилаётганлиги таҳсинга сазовор. Бугунги кунда икки мамлакат ҳудудлари даражасида алоқаларни йўлга қўйишда катта амалий қадамлар қўйилди. Хусусан, 2023 йилда Ўзбекистоннинг барча вилоятлари вакиллари расмий делегация билан Хитой ҳудудлари ва шаҳарларида бўлишди ва улар билан шериклик алоқаларини ўрнатишди. Ушбу ҳудудлар кесимидаги алоқалар натижасида мамлакатимизнинг турли бурчакларида катта ва кичик ижтимоий ва иқтисодий лойиҳалар доирасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги ижобий алоқалар натижасида Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш йўналишларида самарали тажриба ва билим алмашиш йўлга қўйилди. Хитойнинг камбағалликни енгиб ўтишдаги муваффақиятли тажрибаси бугунги кунда Ўзбекистон учун амалий аҳамиятга эга бўлиб, мамлакат ҳукумати томонидан дастуриламал сифатида фойдаланилмоқда.

Икки мамлакатнинг бой тарихи ва маданияти туризм соҳасида нафақат тажриба алмашиш балки ўзаро туристлар оқимини сезиларли даражада ошириш имкониятини беради. Бунинг учун кейинги йилларда Ўзбекистонда туризм инфратузилмасини изчил ривожлантириш борасида катта ишлар олиб борилмоқда.

### ХУЛОСА

Ўзбекистон ва Хитой муносабатларининг ривожланиши кейинги йилларда жадаллашиб бугунги кунда ўзининг энг юқори даражасига кўтарилганлигини қайд этиш мумкин. Хитой 2023 йил якунлари бўйича Ўзбекистоннинг энг йирик ташқи савдо ҳамкори даражасига кўтарилди. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш, янги инфраструктура объектлари ва ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш асосан Хитой капитали ва ишлаб чиқариш воситалари ҳисобига амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда Хитой нафақат иқтисодий соҳада, балки сиёсий майдонда ҳам Ўзбекистоннинг ҳамфикр шериги сифатида ўз қадамларини мувофиқлаштиришга интилиб келмоқда. Шунингдек, ижтимоий, маданий ва бошқа йўналишларда ҳам томонларнинг ўзаро манфаатли алоқалари кенгайиб бормоқда. Ўйлаймизки, иккитомонлама манфаатли алоқалар истиқболи юқори бўлиб келгусида уларнинг кўлами ва мазмуни янада кенгайиб боради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий Осиё – Хитой” саммитидаги нутқи <https://president.uz/uz/lists/view/6354> 19.05.2023
2. Ўзбекистон Президентининг Хитойга давлат ташрифи якунланди. <https://president.uz/uz/lists/view/6999> 25.01.2024